


ЎЗНОМСН

Ушбу сонда:

2 ГЎДАК ЖИЛМАЙСА,
ДУНЁ ЯШНАРКАН

Табиатишunos ҳикояси

4 АЙИҚ ИЗИДАН



1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган мақолаларни газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ

Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидagi гўдаклар уйи Китоб туманида жойлашган. 35 йилдан буён фаолият кўрсатаётган масканда 52 нафар 4 ёшгача бўлган меҳрга муҳтож болалар тарбияланмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида гўдаклар уйи унутилмас воқеа оғушида қолди. Яқинда жамоага Президентимиз совфаси — «Дамас» автомашинаси топширилди.

— Ушбу мукофот ҳамкасбларимизни ниҳоятда қувонтирди, — дейди бош шифокор Роҳат Ниёзова. — «Умид ниҳоллари-2006» мусобақаларининг ёпилиш маросимидаги ҳаяжонимни ҳеч қачон унутмайман. Салкам 20 минг томошабинни ўз бағрига олган уйини ҳақдорларимизнинг кўнгиллигини тоғдек кўтарадиган мўжза янгради. Автомашинани олган кунимиз жажжи бо-



лажонларни миндириб, Оксарой майдонидаги Амир Темирнинг улугвор хайкали пойига келиб анвойи гуллар қўйдик.

Дарвоқе, гўдаклар уйидаги тарбияланувчиларга «Муборакгаз» унитар шўъба корхонаси, Китоб темир-бетон буюмлари корхонаси масъулияти чекланган жамияти, Шаҳрисабздаги «Сарбон» чойхонаси мавмурияти, Китобдаги Собир Раҳимов, Ҳамид Олимжон номли маҳалла фуқаролар йиғинлари ақиндан кўмак бераётган.

Тарбияланувчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Малакали шифокорлар болалар атрофида парвона. Мавлуда Файзуллаева, Ҳалима Уроқова, Орзигул Бердиева, Райхон Холбоева сингари шифокор, ҳамшира ва тарбиячилар болажонлардан меҳрларини аямаётган.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» муҳбири
Суратда: Китобдаги гўдаклар уйи тарбияланувчилари ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган «Дамас» автомашинаси

Меҳнаткашлар манфаати қонун ҳимоясида

Бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир кишидан етарли даражада ҳуқуқий билимларни чуқур ўзлаштиришни талаб этмоқда. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Марказий кенгаш қабул қилган қўшма қарорига биноан Тошкент шаҳрида, Жиззах ва Самарканд вилоятларида тармоқ корхона ва ташкилотлари, уларнинг жойлардаги филиал ва бўлимларининг раҳбарлари, касаба уюшма фаолиятининг мазкур масалаларга бағишланган семинарлари ўтказилди. «Ўзбекистон лоттаси», «Тошкент таксофони», «Тошкент почтамити», «Давлат алоқа инспекцияси» сингари корхона ва ташкилотларда амалдаги қонунчиликни кенг тарғиб қилиш бўйича суҳбат ва ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Шунга қарамасдан, Тошкент шаҳри ҳамда Самарканд вилоятида меҳнат қонунчилиги ривож этилишида талай камчиликлар мавжуд. Масалан, кенгаш тушган 21 та ёзма мурожаатларнинг 14 тасида иш берувчилар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш ва ходимларни иш билан таъминлаш тартиби бузилганлиги қайд этилган. Уларнинг барчаси белгиланган тартибда жойида қўриб қилинди. Жумладан, кенгаш тақлифига биноан «Самарканд почтаси» филиалининг Иштихон бўлими ходими Дилшода Турсунова мутасассислиги бўйича бошқа ишга ўтказилди. Мазкур шахсоннинг ўргут бўлимида ишлаб, нафақага чиққан Турсункул Эшмуродовга эса моддий ёрдам кўрсатилди.

«Давлат алоқа инспекцияси» Самарканд вилояти бўлими инспектори Абдулла Раҳимов ўзининг аввалги лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Хоразм вилояти Питнак почта алоқаси тармоғи бош ҳисобчиси Шарифа Сатторов ва касаба уюшма мутасассисларининг саъй-ҳаракати билан аввалги лавозимида қайта тикланди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма етакчилари учун ҳар ойда ўтказиладиган «Касаба уюшмалари ўқуви» кунларида ҳуқуқий мавзуларда маърузалар ўқилмоқда. Биз эндиликда бевосита меҳнат жамоалари ва корхоналардаги касаба уюшма аъзолари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтирмақдамиз. Шунинг билан боғлиқ ҳар ойнинг иккинчи чоршанбасини «Ҳуқуқий саводхонлик кун»и деб эълон қилдик.

Аммо бу борада ҳали айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, баъзи касаба уюшма етакчилари ўз аъзолари ҳуқуқини ҳимоялашда Меҳнат Кодексига белгилаб қўйилган имкониятлар ҳамда ваколатлардан фойдалана олишмаяпти. Натижада жойида ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган меҳнат низолари ҳақидаги аризалар республика миқёсидаги идораларга етиб келмоқда. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шунки, биз меҳнат жамоаларидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз зарур.

Келишувлар ва жамоа шартномалари ақсарият касаба уюшма ташкилотлари учун аъзоликнинг афзаллиқларини

ри билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик. Натижада Бельгия, Олмония, Туркия, Япония, Малайзия ва бошқа бир қатор мамлакатлар касаба уюшмалари билан тажриба алмашиб турибмиз. Бирок уларнинг илгор иш тажрибаларини тўғридан-тўғри қабул қилмаяпмиз. Балки ўз имкониятимиздан келиб чиққан ҳолда фаолиятимизга мослаштиришимиз. Масалан, Олмония касаба уюшмаларининг тажрибасига суянган ҳолда соҳамизда ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар билан ишлашни йўлга қўйдик. Унга қўра, пенсияга чиққан сўнг ҳам улар бизга аъзо бўлиб қолиши. Касаба уюшмалари томонидан бериладиган барча имтиёزلардан баҳраманд

ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИЯТ ВА БУРЧ МАЖБУРИЯТИ

Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма етакчилари учун ҳар ойда ўтказиладиган «Касаба уюшмалари ўқуви» кунларида ҳуқуқий мавзуларда маърузалар ўқилмоқда. Биз эндиликда бевосита меҳнат жамоалари ва корхоналардаги касаба уюшма аъзолари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтирмақдамиз. Шунинг билан боғлиқ ҳар ойнинг иккинчи чоршанбасини «Ҳуқуқий саводхонлик кун»и деб эълон қилдик.

Аммо бу борада ҳали айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, баъзи касаба уюшма етакчилари ўз аъзолари ҳуқуқини ҳимоялашда Меҳнат Кодексига белгилаб қўйилган имкониятлар ҳамда ваколатлардан фойдалана олишмаяпти. Натижада жойида ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган меҳнат низолари ҳақидаги аризалар республика миқёсидаги идораларга етиб келмоқда. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шунки, биз меҳнат жамоаларидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз зарур.

Келишувлар ва жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан муттасил назорат ўрнатилганлиги тўғрисида қабул қилинган 16 мингга яқин банддан 99,6 фоизи бажарилди. 2000 йилда ушбу кўрсаткич 98,2 фоизни ташкил этган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оддий меҳнаткаш ўрта ҳисобда 12 минг сўм аъзолик бадали тўлаган бўлса, бундан у 20 — 30 баробар кўпроқ манфаат кўрмоқда. Бу ҳам келишувлар ҳамда жамоа шартномаларининг афзаллиги натижасидир.

Яна бир фикр. Мустиқлик шароити ташаббус қўриштириш имконини берди. Эндиликда чет эл касаба уюшмалари билан борди-келди қилиш, уларнинг илгор иш тажрибаларини ўзимизда қўллаш мумкин.

Кейинги йилларда бир қатор Европа, Осиё давлатла-

ри билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик. Натижада Бельгия, Олмония, Туркия, Япония, Малайзия ва бошқа бир қатор мамлакатлар касаба уюшмалари билан тажриба алмашиб турибмиз. Бирок уларнинг илгор иш тажрибаларини тўғридан-тўғри қабул қилмаяпмиз. Балки ўз имкониятимиздан келиб чиққан ҳолда фаолиятимизга мослаштиришимиз. Масалан, Олмония касаба уюшмаларининг тажрибасига суянган ҳолда соҳамизда ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар билан ишлашни йўлга қўйдик. Унга қўра, пенсияга чиққан сўнг ҳам улар бизга аъзо бўлиб қолиши. Касаба уюшмалари томонидан бериладиган барча имтиёزلардан баҳраманд

булишида. Бундан ташқари ривожланган Европа мамлакатларидаги каби ҳар бир аъзозимиз ҳақида, уларнинг оилавий ва ижтимоий аҳоли тўғрисида маълумот тўплашни йўлга қўймоқдамиз. Бу эса уларни тўлақонли ижтимоий ҳимоялашда асослади, албатта.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришга замонавий технология кириб келяпти. Бунинг натижасида иш ўринлари қисқараёпти. Шунинг учун қисқаришга тушган ходимлар бизнинг доимий диққат марказимизда. Чунки, тайёр мутасассислар ҳамма жойида яхши иш беради. Кези келганда уларни ишга жалб этиш ҳам осон кечади.

Сўзининг охирида шуни айтимоқчиманки, биз аъзоларимизни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида барча чораларни кўришимиз зарур. Чунки улар меҳнаткашларга яратиб бераётган шароитимизга, қолаверса, фаолиятимизга қараб баҳо беришди.

Тоҳир НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг раиси

Яқиндагина мамлакатимиздаги билим масканларида сўнгги кўнгирик жаранглаб, ўқувчиларнинг ёзги таътиллари бошланди. Бугун кимдир охириги имтиҳонларини топшириб, ўзи севган машғулотлар билан шуғулланаётган бўлса, яна кимдир ёзнинг иссиқ кунларида мазмунли хордиқ чиқаришни режалаштирмоқда. Айниқса, ота-оналар фарзандларини сўлим ва баҳова масканларда дам олдириш истагида бўлиши табиий.

Мамлакатимизда ёш авлодга гаҳдурлик кўрсатиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етказиш давлат сийёсати даражасига кўтарилган. Бу йил ҳам ҳар йилдагидек, болаларнинг ёзги таътиллари намуналар ташкил этиш, хусусан, ёзги соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республика касаба уюшмалари, тегишли вазирилик, идора ва муассасалар томонидан махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган «Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотларининг Республика семинар-кенгаши»да ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, иштирокчилар амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳусусида атрафлича кенгашиб олдилар.

Қўшма рейд аъзолари жойларда ушбу масалаларга қандай ёндашилаётганлигини билиш мақсадида Тошкент вилоятида жойлашган оромгоҳларда бўлди.

Бўстонлик туманининг Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Чоғқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи «Тошнелгазқурилиш» акциядорлик жамиятининг «Куриш изоляция» шўъба корхонасига қарашли. Оромгоҳга киришимиз билан бу ердаги саранжом-саранжал эътиборимизни тортди. Дарвоза олдида кўзга ташланадиган ўзига ҳос уллубдаги ота-оналар бурчаги, ором-

гоҳ худудида қўйғос очилган гуллар, хибоблардаги ранг-баранг атиргуллар ифори кўнглини кўтарди.

Санаторий туридаги ушбу оромгоҳга жорий йилда «Ўзбекнефтегазхолдинг»га қарашли трестлар томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар, телевизор, ошхона ва маданий-маиший жиҳозлар ақратилди.

— 18 гектарлик оромгоҳ худудининг 5 гектари мевазор бўлиб, дам олувчилар ундан баҳраманд бўлишди. — дейди оромгоҳ

ишлари намунали ташкил этилган қиравертидан кўзга ташланади. Оромгоҳ худудининг гузаллиги, бетакор манзарали, соя-салқин жойлар танлаб ўрнатилган дам олиш ўриндиклари, озода ва ораста ётоқ корпуслари кишини қувонтиради. Бу ерда амалга оширилган ишлар оромгоҳ тегишли бўлган ҳўжалик ташкилоти ва касаба уюшмасининг болаларга эътиборидан далолатдир. «Кизилтепагеология» Давлат геология корхонасига қарашли ушбу маскан 420 ўринга эга бўлиб 3 навбатда фаолият кўрса-

Холмирзаев. — Бугунги кунда тайёргарлик-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Мақсадимиз — жорий йилда фарзандларимизнинг соғломлаштириш мавсумини оқори савияда ўтказиб, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топишига, ватанпарвар, меҳр-оқибатли, эл-юртга садоқатли инсонлар бўлиб етиштириш ва янги ўқув йилга янги куч-гайрат билан қайтишига оз бўлса-да, ҳисса қўиши.

Ушбу масканда бу йил 38 нафар педагог, 4 нафар тиббиёт ходими, 22 нафар ҳўжалик хо-

авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акциядорлик жамиятига қарашли «Гулистон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 55 гектар майдонга эга бўлиб, худудининг кенглиги билан ажралиб туради. Бу ерда мавсумга тайёргарлик ишлари давом этаётган экан. 840 ўринлик оромгоҳда 24 та ётоқ корпуси бўлиб, ақсарияти таъмирдан чиқарилган, фақат 3 тасида ишлар якунланиши зарур. Рейд кунини оромгоҳда заводнинг «Саломатлик» цехи бошлиғи Шокир Шоқосимов бошчилигида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган экан.

Бирварақайига 360 нафар бола овқатланиши мумкин бўлган ошхона янги стол-стулар билан таъминланди. Болалар суҳбат қурадиган майдончалар янгилашиб, таъмирдан чиқарилди.

— Оромгоҳдаги қурилиш-таъмирлаш ишларига «Ўзбекниме-маш» очик акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти томонидан 364 миллион сўм маблағ ажратилди, — деди «Ўзбекниме-маш» очик акциядорлик жамияти директори ўринбосари Абдусобит Тожибоев. — Оромгоҳнинг мавсум давомида намунали хизмат кўрсатиши учун корхона касаба уюшма кўмитаси ҳамда вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши билан ҳамкорликда барча имкониятларни ишга солганимиз.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ишонч» газетаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қўшма рейти

бошлиғи Эркин Деҳқонов. — Маънавият ва маърифат хонаси, сузиш ҳавзаси, замонавий ошхона мавсумга шай қилиб қўйилган.

Болаларнинг бу ерда кўнглили хордиқ чиқаришлариغا ишонч ҳосил қилиб навбатдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи томон йўл олдик.

«Оромгоҳни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига корхона томонидан 29 миллион сўм маблағ ажратилди. — дейди «Кизилтепагеология» Давлат геология корхонаси раҳбари Насрулло

димлари болажонлар хизматига бўлади.

Болаларнинг бўш вақтини сермазун ўтказиш, фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида рақс, тикиш-бичиш, радио, ўзбек тили тўғрисидаги фаолият кўрсатади. Маънавият ва маърифат хонасида турли учрашув ва суҳбатлар ташкил этилади. Шунингдек, болалар оромгоҳ жойлашган худуддаги кадимий масканлар, табарук қадамжолар билан танишадилар.

Чкалов номидаги Тошкент

Тоҳир МУЛЛАБОВ,
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси журналисти,
Мухаббат УРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот котиби

ЭНГ ОЛИЙ КАДРИЯТ

Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий кадрият ҳисобланади. Жорий йилнинг Хомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинишининг замирида ҳам аввало инсон манфаати ётади. Сабоби, саховатли ва бегараз хомийларнинг олийжаноб ишлари инсон дардига малкам бўлади. Бу ҳақда муборак ҳадисларда «Оллоҳ таоло саҳийдир, саҳийликни севади, яхшилик қилгучидир, яхшиликни яхши кўради» дейилади.

— Республикадаги кўпгина жамоат ташкилотлари қатори Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши жорий йилда «Меҳрибонлик уйлари», мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Шу жумладан, Федерация Кенгашининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамда тармоқ касабаси уюшма Марказий кенгашларига ана шундай муассасалар бириктирилган. Масалан, Андижон вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 2-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларини вилоятдаги «Калдирғоч» болалар ёғзи соғломлаштириш оромгоҳида бепул дам олдириш ре-

жалаштирилган. Худди шундай хомийлик ёрдами Навоий вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам кўрсатилди. Улар Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»га 550 минг сўмлик моддий ёрдам беришди. Бундай хайри ишлар бarchа вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмалари томонидан мунтазам равишда амалга ошириляпти. Республика таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши Қибрай туманидаги болалар ортопедия республика марказига 5 миллион сўмлик ўн та музлатгич, 1 та телевизор, Наманган вилоятидаги қар ва қўзи оқизлар мактаб-интернатига 500 минг сўмлик махсус бадий китоблар ҳада этишди. Агросаноат мажмуи ходимлари Марказий кенгаши Қибрай туманидаги болалар поликлиника касалхонасига 2 та компьютер совға қилди.

Ислом КАРИМОВ: Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир.

Ёқилги-энергетика мажмуи, кимё sanoati ва геология ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши эса Миробод туманидаги 57-мактаб-интернатига телевизор, видео магнитофон берди.


Яқинда соғломлаштириш маъсуми бошланади. Бу йил ҳам ноқулай экологик ҳудуд ҳисобланган Оролбўйи минтақасидан 3 минг 500 нафар, жумладан, қорақалпоғистонлик 2.500, хоразмлик минг нафар фарзандларимиз Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда бепул хордиқ чиқаришади. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 100 минг нафарга яқин фарзандлари, 2 минг нафардан зиёд «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари, 5 минг 338 нафар мактаб-интернат ўқувчиларини оромгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилган.

Аскарали СУЛТОНОВ, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Азалдан халқимиз болажон. Ўн та бўлса ўрни, қирк та бўлса қилиги бошқа деганларидек, ҳар бир болага эътибор бўлакча. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ота-онасиз қолган минглаб болалар Ўзбекистонда паноҳ топганини дунё ахли яхши билади. Саховат-пешалик, муруват ўзбек халқи менталитетининг ўзига хос жиҳатларидан. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик руҳи билан суғорилган устувор сўбсат ҳам ана шундай тарихий, ўлмас кадриятларга таянади. Эртанги кунимиз эгаларига, айниқса, ота-онасиз, боқувчисини йўқотган болаларга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бораётир.

Ҳамза туманидаги 30 - Меҳрибонлик уйи 1989 йилда ташкил толанган. Айни пайтда бу ерда 130 нафар етти ёшдан 16 ёшгача бўлган 15 миллатга мансуб болалар тарбияланишади. Уларга 24 нафар малакали тарбиячилар бириктирилган. Жумладан, «Шухрат» медали соҳиббаси Замира Ғозиева, Алла Дерова, Лиля Тугушева, Дилбар Мансурова сингари фидойи тарбиячилар болажонлар атрофида парвона. Тарбияланувчилар Меҳрибонлик уйининг шундоққина ёнида жойлашган 103-мактаб-интернатда сабоқ олишади. Меҳрибонлик уйида бичиш-тиқиш, рақс, расм чизиш, ўсмир ва қонун, моҳир қўллар, ўзбек тилини ўрганамиз каби 14 та тўғарак мунтазам ишлаб турибди.

ЮКСАК ИНСОНИЙ ХИСЛАТ ҲЕЧ КИМНИ ТАРК ЭТМАСИН



Тарбиячи Феруза Усмоноҳўжаева бизни тўғараклар фаолияти билан таништирди. Светлана Янўшқина раҳбарлик қилаётган «Умид» рақс тўғаракнинг доврғи республикага ёйилган. 30 нафардан ортиқ тўғарак аъзоси «Халқлар Дўстлиги», «Туркистон» саройларида бўлиб ўтган нуфузли кўрик-танловларда фаол қатнашиб, совринли уринларни қўлга киритишган. Аня Дудина етакчилик қилаётган бичиш-тиқиш тўғаракда машғулотлар қизгин бораётган экан. — Ёзи дам олиш маъсуми ҳам бошланди, — дейди тўғарак раҳбари. — Ўзгаларимиз билан биргаликда махсус кийим-бош ва рюкзаклар тайёрлаёмиз. Тарбияланувчилар билан эрта-индан Бўстонликдаги сўлим тоғлар бағрида жойлашган «Нур» оромгоҳига йўл оламиз. Улар ҳар йили маъсуми шу ерда ўтказишади. Меҳрибонлик масканида ҳар бир байрамга алоҳида ҳозирлик қўрилади. Масалан, 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Сен ёлғиз

ота-онамдек бўлиб қолишган, — дейди у. — Бу ерда биз учун барча шароитлар муҳайё. Ок-сарикдан келган, кўзлари тийран боқувчи Азиз Гогинни эса ҳали эсини танимасданок ота-онаси ташлаб кетган. Азиз улардан кўрмаган меҳрибонлик инсонлардан кўрди. У қалби муҳаббатга лимловининг бўлган боқувчида бош совринни қўлга киритди. Республика боқувчида эса фахрли 2-ўринни эгаллади. Руслан Турдиев эндигина 10 ёшга тулди. Ота-онаси турмушларини тўғри йўлга соломлашгани туфайли оила барбод бўлган. Отаси ичкиликка ружу қўйди, онаси эса ёмон йўлга юриб кетди. Қилмишлар учун иккаласи ҳам муносиб жазоланди. Улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум

қўлларга кўтарганимиз бўлган шундай гуноҳларга қўл урадики, бехитёр алҳазар дея ёқа ушлайсан киши. — Азизда расм чизишга қобилият жуда кучли, — дейди тарбиячи Ф.Усмоноҳўжаева. — Унинг ижоди кўпчиликка манзур бўлаётир. Азиз Гогин «Соғлом авлод» фонди томонидан ўтказилган «Камалак жилоси» танловининг шаҳар боқувчида бош совринни қўлга киритди. Республика боқувчида эса фахрли 2-ўринни эгаллади. Руслан Турдиев эндигина 10 ёшга тулди. Ота-онаси турмушларини тўғри йўлга соломлашгани туфайли оила барбод бўлган. Отаси ичкиликка ружу қўйди, онаси эса ёмон йўлга юриб кетди. Қилмишлар учун иккаласи ҳам муносиб жазоланди. Улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум

этилган. Эзгу ниятли кишиларнинг сай-ҳаракати туфайли Руслан Меҳрибонлик уйига жойлаштирилди. Уни бағрикенж мураббийлар ўз паноҳига олди. Руслан ёш бўлсада, қўли гул. Бичиш-тиқишга қизиқади. — Улғайганда ўз касбимнинг устаси бўламан, — дейди у ишонч билан. 15 ёшли Женя Трошевнинг ота-онаси ҳаёт. Бироқ ҳар кун бўладиган тўхтовсиз жанжаллар туфайли оилга пугур етди. Меҳрибонлик уйига хомий ташкилотлар ҳамisha саховат кўрсатишади, қўлларидан келган ёрдами ашмайди. Жумладан, «Агротаъминот» хиссадорлик жамияти, «Авиасозлар» деҳқон бозори маъмурияти, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти амалга ошираётган ишлар мактовга сазовор. Хомийлар Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтадиган ҳар бир тантананда бошқош. Байрамларда меҳр ва муруват улашиб, болаларга дастурхон ёзишади. Кийим-кечаклар совға қилишади. Уларнинг сай-ҳаракати билан «Соғлом авлод боғи» ташкил этилган. Болалар учун катта тахфат бўлди. Улар бўш вақтларини кўпроқ шу ерда ўтказишади, спорт билан шуғуллинишади. — Бегараз кўмак кўрсатадиган саховатли инсонлар сафи кенгайиб бораётир, — дейди Меҳрибонлик уйи раҳбари Г.Ҳабиронов. — Улар мунтазам равишда ҳабар олиб туришади. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай оқибатли инсонлар ўзларининг қилмигини ҳам, исми-шарифини ҳам айтишмайди. Ана шундай саховатли инсонлардан бири масканимизга билъарф қўрилмасини совға қилди. Юксак инсоний хислат ҳеч кимни тарк этмасин.

Одил ЭРҒАШЕВ, «Ишонч» муҳбири

БЕҒУБОР ФАСЛ

Беғубор болалик... Ҳар сафар мулоқотда бўлганимда мени улардаги соддалик, самимийлик ўзига ром этади. Шундай дамларда мен нафақат касабаси уюшма етакчиси, балки оддий бир аёл, она сифатида қандайдир масъулият сезаман. Чунки ким бўлишимиздан қатъи назар — раҳбарим ёки оддий ишчими болаликнинг беғубор фасли осойишта, завқли-шафқли онларга тўла ўтиши учун бурчимиз. Шунинг учун Марказий кенгашимиз нафақат меҳнаткашлар, балки уларнинг оила аъзолари ҳамда фарзандларини ҳам соғломлаштириш учун бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг қалбига юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, бой маданий меросимиз, урф-одатларимиз, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳам асосий вазифаларимиздан. Бугунги кунда тармоқ касабаси уюшмаларига қарашли маданий масканларига 31 та ҳаваскорлик тўғараклари мавжуд. Уларда мингдан зиёд фарзандларимиз шуғуллинишмоқда. Ҳар йили қўллаб-қувватловлар ўтказилмоқда. Болаларимиз кўй-қўшиқ ҳамда рақслар ижро этиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишапти. Тизимда 2,5 мингдан зиёд киши жисмоний тарбия ва спортга жалб этилган. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Фарзандларимизни соғломлашти-

МАЪМУРА ОДИЛОВА, Ўзбекистон энгил, меҳел sanoati ва коммунал маиший хизмат ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг раиси

риш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган беш йил мобайнида болалар ёғзи соғломлаштириш оромгоҳларида 55 минг 553 нафар ўқувчи мириқиб хордиқ чиқарди. Вазирлар Маҳкамасининг Оролбўйидаги болаларни соғломлаштириш бўйича қабул қилган қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган болалар мамлакатимизнинг энг сўлим ғўшаларида бепул дам олишади. Маълумки, жорий йил Президентимиз ташаббуси билан Хомийлар ва шифокорлар йили, деб номланди. Бу касабаси уюшма ташкилотларига ҳам катта масъулият юклайди. Шу боис, вилоятларда бўлиб, кам таъминланган оила фарзандларига Марказий кенгаш ҳисобидан турли совғалар тақдим этмоқдамиз. Яқинда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида жойлашган болалар сил касалликлари диспансерига 1 миллион сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилди.

ГЎДАК ЖИЛМАЙСА, ДУНЁ ЯШНАРКАН

Азим пойтахтимиз бош майдонидан жойлашган Эзгулик арқасидан ўтиб, муаззам ёдрорлик мажмуи — Мустиқиллик ва эзгулик монументи томон борарканман, истиқлол Она ва бола шаъни ва ҳурматини муқаддас китобларда битилганидек, шарофлатганини қўриб беш фарзанднинг онаси сифатида қалбим фахр-ифтихорга тўлади. Фурурга тўла қўнғилда шоирнинг «Ахир она эрур қилбаи олам» деган сатрлари акс садо бериб ўтади. Бағрига дилбандини босиб турган онага боқиб ўйлайман: дунёда боласига меҳр билан боқиб турган аёлдан гўзал яна нима бор? Айтишларича, оналар боласига меҳр билан боққан дамда кўкдан муҳаббат ёғиларкан, алла айтганида эса дунё саховатга тўларкан; болалар эркаланиб, қувнаганда, олам яшариб кетаркан.

Дунё харитаси соясига туриб, боласини эркалаётган она сиймоси эса хотирани уйғотади. Олис қишлоқ кўчаларида қолган мунаввар туйғулар аста-аста кўнғилдан бош кўтарди. Гўё азиз бир сиймо: кўзалари, юзлари, бутун вужудидан меҳр ёғилиб турган онажоннинг кўллари сен томон чўзганча рўхинга қириб келаверади. Жисми-жонинг бу туйғудан ҳаловат топади. Ям-яшил майсалар бошини силаётган шабада хазин бир навога қўшилиб рўхнинг аллаайди. Шу лаҳзада ёнгинамда туриб, она-бола сиймосига ҳайрат билан тикилаётган қизалоқнинг «Бу ким?» деган сўровидан ўзимга келаман.

— Бу она, — дейди ўғилчасини бағрига босиб турган қўлиқина келинчак, — қара, ман укангини эркалатганимдек, у ҳам боласини қучоқлаб турибди. Қизалоқ ҳайратланиб она сиймосини кузатади ва яна бижирлаб сўровини бошлайди. — Сиз манинг, укамнинг она-сисиз. Бу кимнинг онаси. — У миллатнинг онаси. Негадир келинчакнинг овози титраб кетади. Ҳеч нарсага тўшунмай қошини чиқариб турган қизалоқнинг бошини силаркан шундай дейди: — Бу она ҳаммамизнинг онаси. Барчамизни ана шундай

ногиронлар мактаб-интернатларида тарбияланаётган болаларга давлат ёрдами кўнайтирилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, давлат ва нодавлат жамоатчилик ташкилотлари савобли ишга жалб этилди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, соғлом авлод камоли учун қилинаётган эзгу ишлар мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас, ҳамқадам эканлигининг ёрқин намунаси. Қолаверса, бу борада Президентимиз фармонлари ва қарорлари миллат шаъни ва гурурини дунёга танитадиган авлодни тарбиялашда эзгулик тимсоли бўлиб хизмат қилмоқда. Кечагина кишлоқ кўчаларини чангитиб юрган болакайлар бугун жаҳондаги энг нуфузли мусобақаларда голиб чиқиб, Ватанимиз байрогини юксалишига, мадҳиямизни баралла янграшига сабаб бўлаётгани қалбимизда фахр-ифтихор уйғотади.

Энг қувончлиси, зукко, билимдон фарзандларимиз илм-тафаккурда ривожланган давлатларни ҳам хайратда қолдирмоқда. Қолаверса, болажон халқимизнинг энг эзгу орузи, асосий максасди эзгулик кабуатларни бўлган фарзандлари камолини қўришир. Хомийлар ва шифокорлар йилида соғлом авлод камоли йилда эзгу ишлар қўлини ортди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўриқлари билан барча тармоқ касабаси уюшма Кенгашлари тасарруфидоги корхона ва ташкилотларда болалар учун байрам тадбирлари уюштирилиб, уларга совға-саломлар улашилмоқда. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам мамлакатимиз истиқболининг умид йулдузи бўлган ёш авлод дунёга келишига эътиборни қўчайтириш, болалар саломамлигини мустаҳкамлаш, таълим олиш учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган эди. Ушбу ҳужжатга асосан Меҳрибонлик уйи ва

нинг инсонпарварлик ёрдами ва сай-ҳаракатларига қарамай болаларнинг инсоний ҳуқуқлари камситилмоқда. Сир эмаски, баъзи мамлакатларда болалар арзон ишчи кучи сифатида сотилмоқда ва уларнинг мусоаффо ҳаётига хавф-хатар солинмоқда. Бугунги шиддатли замонда миллат ва давлат тақдирини моддий бойлик эмас, балки маънавият ва маърифат ҳал этади. Шу боис бойлиги, кучли ҳарбий қурол-аслаҳалари бор давлат эмас, фарзандлари баркамол, ёшлари билимдон ва ватанпарвар мамлакат қудратли, миллат эса кучлидир.

Эзгулик кабуатлари «Соғлом авлод йили» Давлат дастурда соғлом оилани шакллантириш, давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд дунёга келишига эътиборни қўчайтириш, болалар саломамлигини мустаҳкамлаш, таълим олиш учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган эди. Ушбу ҳужжатга асосан Меҳрибонлик уйи ва

«Болаларга берайлик дунёни...»

гурларига тўлади. Бу йилги маъсулда республикамиздаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида қарийб 227 минг нафар ўғил-қиз хордиқ чиқаради. Энг сўлим ва хушманзара ҳудудларда жойлашган 600 га яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, жумладан, 253 та шаҳардан ташқаридаги, 16 та са-

зат қилинадиган уйлар, дейилади. Тақдирнинг аччиқ, бешафқат уйинлари гирдобда гўдаклигинда ноқ меҳрга зор бўлиб қолган болакайларни иссиқ қучоғига олиб, саховат кўрсатган, алоҳида эътибор билан тарбиялаётган Меҳрибонлик уйлари улғурлар назарига тушган муруват масканларидир. Давлатимизнинг боқувчисини йўқотганлар бошини силаш, ўқитиш, тарбиялаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги гаумўриқларига жавобан касабаси уюшмалари Федерацияси ва унинг тармоқ Кенгашлари ҳам Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонларни ҳар томонлама билимдон ва соғлом бўлиб камол топишлари учун ҳамisha камарбаста бўлмоқда. Ёзи маъсулда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари энг сўлим, тоғли худудларда жойлашган оромгоҳларда бепул дам олдирилиши таъминланади. Биргина Шўртангазимё мажмуи касабаси уюшмаси ташаббуси билан 131 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ёғзи таълимни мароқли ўтказадиган бўлишди. Маъмура тасарруфидоги «Лочин» болалар дам олиш оромгоҳи бу йил ҳам кичкинтойларни ўз бағрига олади. 2200 нафардан ортиқ ўғил-қизлар бепул йўлнамалар билан мазмунли дам олдирилади. Нуристон қўрғонига 40 хонадонга иккита кўп қаватли уй, 844 ўринли мактаб ва 340 ўринли болалар боғчаси қуриб, фойдаланишига топширилди. Юзга яқин қурилаётган котеждарда эса ҳадемай ховли тўйлар ўтказилади. Амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар «Соғлом фарзанд — соғлом оила — соғлом жамият» камалига қаратилган.

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири

наторий туридаги, 2 та спорт-соғломлаштириш, шунингдек, меҳнат ва хордиқ ҳамда 322 та мактаб қошидаги оромгоҳлар болаларнинг хизматида бўлади. Айнага содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Оролбўйи минтақасидан 3,5 минг бола Тошкент шаҳри ва вилоятидаги энг яхши болалар соғломлаштириш оромгоҳларида имтизоби дам олиб, саломатликларини тиклайдилар.

Энг яхши уй Муқаддас Ҳадиси шарифда «Қалбинг мулоийм, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми, унда етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таоминидан уларга едир, шунда дилнинг юмшаб, ҳожатинг раво бўлади». Бошқа бир Ҳадисда эса «Тангри наздида уйларнинг яхшироғи — етимлар из-

Касабаси уюшма тадбири

БАРЧА ГОЛИБ

Тошкент шаҳар ҳокимияти ва пойтахт Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма кенгаши ташаббуси билан Ғофур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб маданий-маърифий, спорт байрами бўлиб ўтди.

Беллашувларда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон «Сифат» маркази биринчи, Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг иккинчи ҳамда Тошкент давлат ветеринария бошқармаси учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Ғолиблар қимматбаҳо совға ва фахрий ёриқлар билан тақдирландилар.

МИРИҚИБ ХОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши тасарруфидоги айни вақтда 15 та болалар ёғзи соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Қорақалпоғистон республикаси Тахтистов шаҳрида жойлашган «Айдин жол» оромгоҳидир. Бу ерда келаганимиз бўлиши болаларнинг хордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар муҳайё. Ёзи маъсулда спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Турли кўрик-танловлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган. **Ўз муҳбирларимиз**

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Келажакимиз эгалари бўлган
болажонларни 1 июн — Халқаро
болаларни ҳимоя қилиш куни
билан самимий қутлайди!*



*Уларга сиҳат-саломатлик,
жисмоний ва маънавий камолот,
келгусида Ватанга муносиб
фарзандлар бўлишларини
тилайди!*



*Қалбингиздан қувонч, беғубор
чеҳрангиздан кулгу ва шодлик
аримасин, азиз болажонлар!*



Жиззахда Орифжон Икромов номини кўпчилилик яхши билади ва хотирлайди. Шоир, раҳбар ва ташкилотчи, фан фидойиси, филология фанлари доктори, профессор О.Икромов ҳаёт бўлганида бу йил 80-баҳорни қаршилар эди.

Ёдном

ОРЗУЛАР АРМОН ЭМАС...

Орифжон аканинг ҳаёт йўли бугунги ёшларга сабоқ бўлгулик. У 1926 йили Жиззах туманининг «Савунгарлик» маҳалласида таваллуд топди. 8-ўрта мактабда сабоқ олди. Мактабни битириб, А.Навоий номи Ўзбекистон Давлат университети филология факультетига ўқишга кирди.

Бугунги кунда ана шундай ажойиб юрдошимиз номи билан аталувчи мактабда 78 нафар ўқитувчи 1005 нафар ўқувчига таълим-тарбия беради. Жамоа Орифжон Икромов таваллудининг 80 йиллигини нишонлашга кизгин ҳозирлик қўраяпти. Дастур асосида кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда.

Юрт ободлиги мавзuida ёш рассомлар кўрик-танловининг вилоят босқичида рангтаъсвир ва графика йўналишида Холмурод Соибов, Жасур Аҳмедовлар фахрли ўринни эгаллашиб, совриндор бўлишди. 8-синф ўқувчиси Анвар Садуллоев чизган суратлар кўргазмаси мактабимизда ташкил этилиб, кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Айни кунларда устознинг амалга оширолмайдиган колган ишларини фарзандлари, шогирдлари давом эттиришмоқда. Биз мактабимизнинг ана шундай том маънодаги ҳақиқий инсон номи билан аталишидан фахрланамиз. Меҳнатдаги ютуқларимизни кўпайтириб, устоз орауларини рўйба чикарамиз.

Усмон МЕЛИЕВ, 4-ўрта мактаб директори

Тадбир

МАҚСАД ОММАВИЙЛИКНИ ОШИРИШ

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши соҳа ходимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, тармоқ ишчилари ўртасида ва уларнинг оилаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида турли спорт мусобақалари ўтказиб келмоқда.

Спортнинг маънавий тарбия ва оилавий жамоалар баҳсида биринчи ўринни эгаллади. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали жамоаси эса қолган турлар бўйича етакчилик қилди. Бу нати-

жалар умумжамоа ҳисобида ҳам ўз аксини кўрсатди. Биринчи ўрин Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали вакилларига насиб этди. Кейинги ўринларни Нукус тиббиёт коллежи жамоалари эгаллади.

Л. БОЙБОСИНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кенгаши раиси

Суратда: мусобақалардан лавҳалар

«Жиззах электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти касабаси уюшмаси кенгаши тармоқ ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб қилиш ҳамда соғломлаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

НУРЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Жиззах Олимпия захиралари коллежи мажмуасида бўлиб ўтган спартакиада ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда 16 та жамоа спортнинг волейбол, теннис, шахмат, шашка, ва енгил атлетика турлари бўйича ўзаро беллашди.

Спартакиадада фаол иштирок этган жамоалар, барча иштирокчилар ким-матбаҳо совғалар ва касабаси уюшма ташкилотининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

А. АЗИМОВ

КИТОБ БАЙРАМИ

Ҳоҳи китоб ўқийдиганлар камайиб бораётганидан, телевизор ёки кино кўриш билан кифоялаб қолганидан шикоят қилишларини эшитиб қоламиз. Бу гапда жон борми? Агар шу гап тўғри бўлса, одамларни китобга қизиқтириш чоралари кўриштиришимиз?

Наманганда бу борада дастлабки қадамлар ташланмоқда. Чунки, вилоят марказидаги шоир ва саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган «Улуғимсан, Ватаним» деб номланган китоб байрами ана шу мақсадга қаратилди. Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган ушбу байрам китоб кўргазмаси билан бошланди. Унда мамлакатимизда чоп этилган энг сара асарлар намойиши этилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ

Табиатишунос ҳикояси

Алижон Зомин кўриқхонаси назоратчиларидан бири. 25 йилдан буён шу касабани ардоқлаб келаётган бу йилнинг 26 минг гектарлик кўриқхонада қадам босмаган сўтмоғи қолмаган.

— Табиат бағрида яйраб кетаман. Энг сеvimли машғулотиим қармоқ билан балик тутиш, — дейди Алижон Собиров.

Кўриқхона атрофида Зомин сихатгоҳи, болалар ёғзи оромгоҳлари фаолият кўрсатади. Назоратчилар усимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилибгина қолмасдан, балки тоғда йиртқич ҳайвон пайдо бўлиб қолмаслиги учун ҳам масъулдир.

— Бундан 13 йил ил -

АЙИҚ ИЗИЛАД

Ҳари тоғни қалин қор қоплаганиги сабабли паррандаларга сули, арпа соча бошладик, — дея ҳикоя қилади у. — 1988 йили Кавказдан бир неча айиқ ва тўнғиз болаларини олиб келиб, тоғ чўққисидида кўпайтирдик. Улар фақат чўққидида махсус жойда парваршиланар эди. Бир вақт айиқнинг изига кўзим тушди. Унинг изи пастига қараб кетгандим.

Кишлоқларда совуқ хабарлар таркала бошлади. Кимнингдир бузоғи, эчкиси ёки эшағи гоҳ йўқолиб, гоҳ бўғизлаб кетилган.

Аҳоли талвасига тушган эди. Изкувар Урозбой ака билан бир яшар бузоғини йўқотган хонадонда бўлдик. Улар бизга тош йўлда бузоқнинг судралган изини кўрсатишди. Анча юргач, экин даласида тиндаланган тупроққа кўзимиз тушди. Урозбой ака: бу айиқнинг иши бўлиши керак деган хулосага келди ва хонадон эгасига тиндаланган ерни қазишни буюрди. Урадан бузоқнинг ярим танаси чиқди. Айиқ гўштини саситиб ейишни хуш кўради. Демак, у албатта улжасининг қолган қисми учун келади, — деди Урозбой ака.

Бешиқчи кун тоғга яқин поёлқичлик қилиб ётган жойимиз томон маҳабатли бир қора нарса чайқалиб кела

бошлади. Шу вақтгана айиқни фақат зоопарклардагина кўргандим. Беўшов қилиқлар қилиб келаётган айиқни оёғига ўқ уздим. Буни кутмаган айиқ жойида тўхтади. Иккинчи ўқни устидан ошириб отдим. Яраланган айиқ орқага бурилиб қочиб қашди.

Тоғда айиқнинг изидан ҳар қанча юрмай, ҳеч қаердан тополмадим. Тажрибали кишилар билан маслаҳатлашиб, айиқ яширинган ҳудудга қари эшак боғладик. Эшакнинг хангарган товушини эшитган айиқ қаерда бўлса ҳам, уни излаб топади. Оч айиқлар ана шунча қилиб сиртмоққа тушаркан.

Айтишганидек бўлди. Пешин маҳал айиқ поёвон кўринди. Уни

ғари тоғни қалин қор қоплаганиги сабабли паррандаларга сули, арпа соча бошладик, — дея ҳикоя қилади у. — 1988 йили Кавказдан бир неча айиқ ва тўнғиз болаларини олиб келиб, тоғ чўққисидида кўпайтирдик. Улар фақат чўққидида махсус жойда парваршиланар эди. Бир вақт айиқнинг изига кўзим тушди. Унинг изи пастига қараб кетгандим.

Кишлоқларда совуқ хабарлар таркала бошлади. Кимнингдир бузоғи, эчкиси ёки эшағи гоҳ йўқолиб, гоҳ бўғизлаб кетилган.

Аҳоли талвасига тушган эди. Изкувар Урозбой ака билан бир яшар бузоғини йўқотган хонадонда бўлдик. Улар бизга тош йўлда бузоқнинг судралган изини кўрсатишди. Анча юргач, экин даласида тиндаланган тупроққа кўзимиз тушди. Урозбой ака: бу айиқнинг иши бўлиши керак деган хулосага келди ва хонадон эгасига тиндаланган ерни қазишни буюрди. Урадан бузоқнинг ярим танаси чиқди. Айиқ гўштини саситиб ейишни хуш кўради. Демак, у албатта улжасининг қолган қисми учун келади, — деди Урозбой ака.

Бешиқчи кун тоғга яқин поёлқичлик қилиб ётган жойимиз томон маҳабатли бир қора нарса чайқалиб кела

бошлади. Шу вақтгана айиқни фақат зоопарклардагина кўргандим. Беўшов қилиқлар қилиб келаётган айиқни оёғига ўқ уздим. Буни кутмаган айиқ жойида тўхтади. Иккинчи ўқни устидан ошириб отдим. Яраланган айиқ орқага бурилиб қочиб қашди.

Тоғда айиқнинг изидан ҳар қанча юрмай, ҳеч қаердан тополмадим. Тажрибали кишилар билан маслаҳатлашиб, айиқ яширинган ҳудудга қари эшак боғладик. Эшакнинг хангарган товушини эшитган айиқ қаерда бўлса ҳам, уни излаб топади. Оч айиқлар ана шунча қилиб сиртмоққа тушаркан.

Айтишганидек бўлди. Пешин маҳал айиқ поёвон кўринди. Уни

Ҳомийлик ёрдами

Ҳомийлар ва шифокорлар йилда Денов тажриба хўжалиги ҳам бир қатор хайрия тадбирларни амалга оширишмоқда. Жумладан, хўжалик маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси ташаббуси билан тумандаги мактаб ва коллежларга 700 минг сўмлик гул, мевали,

«ХОРАЗМ» ҲАМ ЮТАДИМИ?

«Насаф» ва «Машъал»га кўл келди. Қаршиликлар ўз воҳодшлари бўлиши «Шўртан» устидан 3:2 ҳисобида зафар қучди, олтин бўлмаса-да, ҳамон кумуш медалга даъвогар эканликлари тасдиғи ўларок, юқорига кўтарилиб олдилар. «Машъал» ҳам «Локомотив» билан кечган учрашуви ишончли ўтказиб, йирик ҳисобдаги ютқуқа эришди — 4:1.

Ушбу турнинг ўзига ҳослиги шуки, сакизта ўйиннинг ҳеч бирида дурангга имзо чекилмади. Беш вазиётда мезбонлар, уч ҳолатда меҳмонлар зафар қучишди. Ҳолилар орасида «Пахтакор»нинг ҳам борлиғи диққатга сазовор. Гарчанд ўзининг эллик

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар кайд этилди: «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Сама-

Table with 7 columns: Турнир, У, Ю, Д, М, Т-Н, О. Rows include «Пахтакор», «Насаф», «Машъал», «Нефтчи», «Бухоро», «Андижон», «Трактор», «Навбахор», «Тўпаланг», «Металлург», «Кизилкум», «Локомотив», «Шўртан», «Самарқанд-Д», «Сўғдиёна», «Хоразм».



рқанд-Д» — «Трактор» — 0:1; «Навбахор» — «Тўпаланг» — 1:0. 12-тур «Трактор» — «Металлург» жамоалари ўртасидаги учрашуви билан бошланиб, «Локомотив» — «Навбахор» клублари баҳси билан якун топади.

Биласизми? ЭНГ ҚАДИМИ ПОЧТА ХИЗМАТИ

Дунёдаги энг қадимий почта хизмати Хитойда шаклланди. Бу мамлакатнинг почта тизими ҳақидаги маълумотлар эраимиздан аввалги 221 йилги манбаларда учрайди. Бугунги Хитойдаги почта хизмати қадимий курерлик хизматининг асрлар оша ривожланиши натижа-сида юзага келган замонавий кўринишидир. 1949 йили Хитой Халқ Республикаси почта ва телекоммуникациялар вазирлиги ҳамда давлат почта бюроси шаклланиши билан мамлакат почта тизимининг янги даври бошланди. Телекоммуникациялар хизмати алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқиши билан Хитой почтаси мустақил ташкилотга айланди. Мамлакат почтаси иктиврида 39 мингта яқин автомобил, 455 та вагон, 10 та параход ва ўнга яқин самолёт бор.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Газетанинг навбатдаги сонини 3 июн кунини кўради

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН

Ҳурматли ишбилармонлар, тадбиркор жаноблар ва хонимлар!

2006 йил 20, 27 июн кунлари, соат 11.00. да Республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиали биносида Давлат мулки кўмитаси Жиззах вилояти бошқармаси билан биргаликда объект бошлангич баҳоси қадам бақаддам ошиши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Жиззах вилоят монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига қарашли, Зомин туманидаги «Урикли» дам олиш маскани мол-мулкларни қўйилганлигини маълум қиламиз.

Соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар объект бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдоридида закалат пули тўлашлари шарт. Закалат пули Республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиалининг «Ипотека банки» Сангзор филиалидаги 20208000804422503001 ҳисоб рақамига (код-00834, СТИР — 205683313) тўланади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Иқтисодий ҳаётимизни бой берман! Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 39-уй. Маълумот учун телефонлар: (372) 222-35-77, 222-34-16.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босянди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Тиражи: 15164

«Ў К Т А М Б А Н К» хусусий очик акциядорлик тижорат банк Кенгаши Сизга 2006 йил 5 июн соат 11.00 да Қарши шаҳар Соҳибкор кўчаси 4-уйда, яъни банкнинг Бош офисидида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади Кун тартиби: 1. Қўшимча чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар ҳисобига банкнинг устав капиталини ошириш. 2. Эълон қилинган акциялар миқдорини белгилаш. 3. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш - 2006 йил 5 июн соат 10.00 да бошланади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига доир барча масалалар бўйича маълумотларни 227-66-23, 227-58-95 телефон рақамлари орқали соат 9.00 дан 17.00 гача олиш мумкин.

Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Касабаси уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади. Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134